

8-1-2020

## STABILITY ISSUES OF THE NATIONAL CURRENCY UNDER THE CONDITIONS OF THE FIGHT AGAINST THE CORONAVIRUS PANDEMIC

M. Ibodullayeva

*Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Ibodullayeva, M. (2020) "STABILITY ISSUES OF THE NATIONAL CURRENCY UNDER THE CONDITIONS OF THE FIGHT AGAINST THE CORONAVIRUS PANDEMIC," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**М.Т.Ибодуллаева**  
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

## **КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ**

Ўзбекистон Республикасида, коронавирус пандемиясига қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлари миллий иқтисодиётни ва аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳажмини сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, пуллар таклифни сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкин.

Мақолада коронавирус пандемиясига қарши курашиш шароитида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** миллий валюта, валюта курси, давлат қарзи, давлат бюджети, бюджет дефицити, инфляция, солиқ каникули, кредит, ташқи савдо баланси.

## **ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ВАЛЮТЫ В УСЛОВИЯХ БОРЬБЫ ПРОТИВ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА**

Меры, направленных на борьбе против пандемии коронавируса в Республике Узбекистан приведет к существенному увеличению расходов, связанных с финансовой поддержкой экономики и населения. А это, в свою очередь, могут привести существенному повышению предложение денег.

В статье разработаны научные предложения, направленных на обеспечение стабильности национальной валюты в условиях борьбы против пандемии коронавируса.

**Ключевые слова:** национальная валюта, валютный курс, государственный долг, государственный бюджет, дефицит бюджета, инфляция, налоговый каникул, кредит, баланс внешней торговли.

## **STABILITY ISSUES OF THE NATIONAL CURRENCY UNDER THE CONDITIONS OF THE FIGHT AGAINST THE CORONAVIRUS PANDEMIC**

Measures aimed at combating the coronavirus pandemic in the Republic of Uzbekistan will lead to a significant increase in costs associated with financial support to the economy and the population. And this, in turn, can lead to a significant increase in the money supply.

The article developed scientific proposals aimed at ensuring the stability of the national currency in the fight against the coronavirus pandemic.

**Key words:** national currency, exchange rate, state debt, state budget, budget deficit, inflation, tax holidays, credit, foreign trade balance

## **Кириш**

Коронавирус пандемияси дунё мамлакатлари иқтисодиётига, шу жумладан, молия-банк тизимига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Бунинг натижасида, коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун дунё мамлакатларида катта миқдордаги молиявий маблағларни пандемия оқибатларини юмшатишга сафарбар этиш зарурияти юзага келмоқда. Халқаро валюта фондининг 2020 йил 9 апрелдаги баҳосига кўра, дунё миқёсида коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашиш тадбирларини молиялаштиришга мўлжалланган маблағлар ҳажми 8 трлн. сўмни ташкил қилди [1]. Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур мақсадларга сезиларли даражада катта миқдордаги маблағлар (10 трлн. сўм) сарфлаш кўзда тутилган [2].

Таъкидлаш жоизки, ушбу маблағларнинг асосий қисми давлат қарзларининг кўпайишига ҳисобига шаклланмоқда. Масалан, Австралияда иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида иш ҳақига субсидия бериш учун 8,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi давлат облигациялари муомалага чиқарилди [3]. Ўз навбатида, давлат қарзларининг кўпайиши, миллий валютадаги пул массасининг кўпайиши шароитида, миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан кучли босимни юзага келтиради. Миллий валютанинг юқори суръатларда қадрсизланиши эса, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

## **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

М.Фридменнинг хулосасига кўра, Марказий банк пуллар таклифини тартибга солиш учун реал имкониятларга эга, инфляция эса, соф пул феномени бўлиб, кўп омилли жараён эмас [4].

М.Фридменнинг ушбу хулосаси тараққий этган мамлакатлар амалиётида ўз исботини топди. Ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатларда пул массасининг ўсиш суръати барқарор бўлиб, инфляция муаммоси мавжуд эмас.

Ж.Кейнснинг фикрига кўра, Марказий банк фоиз ставкаларига таъсир этиш йўли билан ишсизлик даражаси ва иқтисодий ўсишга бевосита таъсир қилиши мумкин, фоиз ставкаси пулларга бўлган талаб ва таклифни тенглаштирувчи миқдордир [5].

Ҳ.Мендонса ва Б. Тибертлар амалга оширган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи шарт бўлиб, Марказий банкка бўлган ишонч ҳисобланади, чунки, ушбу ишонч мавжуд бўлгандагина миллий валютанинг алмашув курсининг пасайишини инфляцияга таъсирини нейтраллаштириш мумкин [6].

Л. Донайр ва И. Пановскаянинг хулосасига кўра, ривожланаётган давлатларда миллий валюта алмашув курсининг узатиш самараси чизикли эмас [7].

Т. Бобакуловнинг фикрига кўра, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш сиёсатини такомиллаштириш, Марказий банкнинг валютавий своп ва Голд своп операциялари ҳажмини ошириш зарур [8].

## Таҳлил ва натижалар

Коронавирус пандемияси дунё мамлакатларининг деярди барчасини кескин карантин чоралари қўллашга мажбур қилди. Бунинг натижасида товарлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг молиявий аҳволи оғирлашди. Бу эса, Ҳукуматларни коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга мажбур қилди. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш харажатларининг сезиларли қисмини давлат бюджети ва давлатга тегишли жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилиши, товарлар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши шароитида, миллий валютанинг алмашув курсларининг барқарорлигига нисбатан кучли босимни юзага келтиради.

Ўз навбатида, миллий валютанинг барқарорлигига путур етиши, аниқроғи, унинг кадрсизланиш суръатининг ошиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, импортнинг қимматлашиши натижасида корхоналарда маҳсулотлар таннархининг ошиши юз беради, инфляция кучаяди, инвестиция меъёри пасаяди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясига қарши кураш чораларининг миллий валютанинг алмашув курсларига таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Миллий валютадаги пуллар таклифининг кўпайиши.

Миллий валютадаги пуллар таклифининг ортиши коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалга оширилади;

– пандемиянинг салбий таъсирига энг кўп учраган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда кредит портфелининг сифати ёмонлашган тижорат банклари молиявий қўллаб-қувватланади;

– солиқ каникуллари тақдим этилиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг олинмай олган даромадларининг ўрни уч йил муддатга бериладиган фоизсиз бюджет ссудалари ҳисобидан қопланади [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан:

– 2020 йилнинг 31 декабрига қадар бир қатор товар позициялари импорти бўйича (уй паррандаси гўшти, сут, қаймоқ, буғдой уни ва бошқ.) божхона божи ва акциз солиғининг ноллик ставкалари белгиланди;

– 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар туризм соҳаси субъектлари, миллий авиация компаниялари ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинди;

– карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар миллий валютадаги пуллар таклифини сезиларли даражада ошиш эҳтимолини юзага келтиради. Ҳолбуки, бунга қадар ҳам мамлакатимизда миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръати юқори эди. 2019 йилда миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръати 14,4 фоизни ташкил этди [10].

## 2. Хорижий валюталар таклифининг камайиши.

Юридик ва жисмоний шахсларда девальвацион кутилмаларнинг юқори эканлиги, яъни уларнинг миллий валютага бўлган ишонч даражасининг паст эканлиги ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг камайишига сабаб бўлмоқда.

2020 йил 16 апрелда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсини 10121,00 сўмга етиши, яъни миллий валютани 4,4 фоизга қадрсизланиши экспортчи корхоналарни чўчитиб юборди ва улар Республика валюта биржасига доллар сотиш бўйича берган буюртмаларининг 80 фоизини қайтариб олишди [11].

Шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида хорижда ишлаётган фуқароларимизнинг жўнатаётган валюта ўтказмаларининг камайиши кузатилмоқда. 2020 йилнинг март ойида пул ўтказмалари ҳажми февраль ойига нисбатан 23 фоизга пасайган бўлса, апрелнинг дастлабки 8 иш кунида март ойининг мос даврига нисбатан қарийб 3 баробарга қисқарди (136 млн. доллардан 49,2 млн. долларга) [12].

## 3. Инфляция даражасининг ошиши.

Коронавирус пандемиясига қарши кураш чоралари, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши шароитида, миллий валютадаги пул массаси ҳажмининг ошишига олиб келиши мумкин. Бу эса, бир вақтнинг ўзида ҳам талаб инфляциясини, ҳам чиқим инфляциясини юзага келишига олиб келади. Бу эса, миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Талаб инфляцияси шароитида товарларни ишлаб чиқариш уларга бўлган талабни қондира олмайди. Натижада, товарларнинг баҳолари ошиб кетади.

Чиқим инфляциясида товар ишлаб чиқарувчилар молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқарган товарларининг баҳоларини оширишга мажбур бўлишади.

Эътироф этиш жоизки, республикаимиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнида импортнинг ўрни юқориликча қолмоқда. Масалан, 2019 йилда қарийб 60 минг тонна гуруч, 150 минг тонна картошка импорт қилинган [13]. Ушбу маҳсулотлар импортининг қисқариши уларнинг баҳоларини ошиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, давлат бюджетини ва ташқи савдо балансини дефицит билан бажарилаётганлиги инфляция даражасини ошиш эҳтимолини юзага келтиради.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамизда ташқи савдо балансининг ҳолати ва инфляция даражасига баҳо берамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо балансининг ҳолати ва инфляциянинг йиллик даражаси [14]**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	12,6	14,0	17,9
Импорт, млрд. АҚШ доллари	14,0	19,4	24,3
Ташқи савдо баланси сальдоси, дефицит (АҚШ доллари)	- 1,4	- 5,4	- 6,4
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	14,4	14,3	15,2

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо баланси дефицитга эга бўлган, яъни импорт ҳажми экспорт ҳажмидан катта бўлган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида мамлакат ташқи савдо балансининг дефицити миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолатлар миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтирди.

Шунингдек, келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2017-2019 йилларда республикамизда инфляция даражаси юқори бўлган. Бу эса, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Инфляция миллий валютанинг барқарорлигига жиддий хавф соладиган омил бўлганлиги сабабли инфляцияга қарши кураш дунё мамлакатлари марказий банкларининг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар**

Республикамизда коронавирус пандемиясига қарши кураш чораларининг миллий валютанинг алмашув курсларига таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- миллий валютадаги пуллар таклифининг кўпайиши;
- хорижий валюталар таклифининг камайиши;
- инфляция даражасининг ошиши.

2017-2019 йилларда мамлакатнинг ташқи савдо балансини дефицитга эга бўлганлиги ва мазкур давр мобайнида мамлакат ташқи савдо балансининг дефицити миқдорининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтирди.

Коронавирус пандемияси шароитида миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Коронавирус пандемияси шароитида миллий валютадаги пул массаси ўсишининг миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирга

барҳам бериш мақсадида, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банкларини молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида берилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан самарали назоратни ташкил қилиш лозим; иккинчидан, давлат бюджети дефицитини хорижий валюталарда олинган тушумларни сўмга сотиш йўли билан қопламаслик лозим, балки дефицитни Ҳукуматнинг миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларини сотиш йўли билан қоплаш керак.

Тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банкларига пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида берилган молиявий маблағларнинг ишлатилиши самарали назорат қилиниши лозим. Ушбу назорат молиявий назорат мазмунига эга бўлиб, жорий ва сўнгги назорат шаклларида бўлиши керак.

Хорижий валютада олинган тушумларни миллий валютага сотиш натижасида сўмда олинган маблағлар ҳисобидан Давлат бюджети дефицитини қопланиши миллий валютадаги пул массаси ҳажмининг ошишига олиб келади.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш орқали олинган маблағлар ҳисобидан дефицитни молиялаштириш Давлат бюджетини молиялаштиришнинг ноинфляцион манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда Ҳукумат ўз қимматли қоғозларини йирик миқдорда эмиссия қилиш йўли билан Давлат бюджети дефицити молиялаштиради. АҚШ Ҳукумати ҳам, Япония Ҳукумати ҳам, Франция Ҳукумати ҳам қимматли қоғозларнинг йирик эмитентлари ҳисобланишади.

Давлат бюджети дефицити миқдорининг ошишига йўл қўймаслик Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичида долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, республикамизда 2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, инфляцион таргетлаш ўзида шундай пул-кредит сиёсати режимини акс эттирадики, унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан инфляция даражаси бўйича доимий мақсад (таргет) эълон қилинади ва унинг ҳаракатлари пул-кредит инструментлари ва коммуникациядан фаол фойдаланган ҳолда жорий инфляцияни унинг мақсадли кўрсаткичига етказишга йўналтирилади [15].

Ўз навбатида, инфляцион таргетлаш режимини муваффақиятли жорий этиш Давлат бюджети дефицити даражасининг ошишига йўл қўймаслик заруриятини юзага келтиради. Чунки, Давлат бюджети дефицити билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд.

Эмпирик тадқиқотлар натижасида исботланганки, Давлат бюджети дефицитининг ЯИМга нисбатан салмоғини 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктга пасайишига олиб келади. Бунда Давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли статистик боғлиқлик

нафақат юқори инфляция шароитида, балки оқилона инфляция шароитида ҳам кузатилди [16].

2. Хорижий валюталар таклифининг камайишини миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирга барҳам бериш мақсадида миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражасини пасайтириш йўли билан салбий девальвацион кутилмаларга барҳам бериш учун, биринчидан, Марказий банкнинг олтин ва валюталар билан амалга ошириладиган своп операциялари ҳажмини ошириш керак; иккинчидан, АҚШ долларисидаги импортга бўлган талабни камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасини ошириш лозим; учинчидан, Марказий банкка валюта интервенциясини амалга оширишни мажбурият сифатида юклаш керак.

Ўзбекистон Республикаси олтин қазиб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бу эса, мамлакат Марказий банкка олтин билан амалга ошириладиган своп операцияларини (Gold Swap) амалга ошириш имконини беради.

Шунингдек, Марказий банк етакчи валюталар жуфтлигида (USD-EUR; USD-JPY; EUR-JPY) валютавий своп операцияларини амалга ошириш имконига эга.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банкларининг хорижий валютадаги захираларининг диверсификация даражаси паст бўлиб, ушбу захираларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми АҚШ долларидан шакллантирилган захираларнинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу ҳолат АҚШ долларисидаги импортга бўлган талабни доимо юқори бўлишига сабаб бўлади. Бундай шароитда, хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банкларининг хорижий валютадаги захираларининг диверсификация даражасини ошириш АҚШ долларисидаги импортга бўлган талабни пасайишига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунда Марказий банкка валюта интервенциясини амалга ошириш мажбурият сифатида юкланмаган. Мазкур Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, “Марказий банкнинг валюта интервенциялари пулга бўлган умумий талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш, шунингдек сўм курсининг ортиқча ўзгаришларини юмшатиш учун ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш-сотиш йўли билан амалга оширилади” [17].

Бундан кўринадики, валюта интервенциясини амалга ошириш Марказий банк учун мажбурият ҳисобланмайди. Бу эса, миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш масаласини очиқ қолишига сабаб бўлади.

Шуниси аҳамиятга молики, етакчи валюталарнинг барчаси эркин сузиш режимига эга. Аммо, ушбу валюталарнинг эмитентлари бўлган барча марказий банklar валюта интервенциясидан фойдаланадилар. Ҳолбуки, ушбу мамлакатларда молия бозорлари ривожланган, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиёти такомиллашган. Ўзбекистон Республикасида эса, молия бозорлари ривожланмаган, Марказий банкнинг пул-



кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиёти такомиллашмаган. Бундай шароитда, валюта интервенцияси миллий валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам беришнинг зарурий воситаси ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. IMF. Publication//[www.imf.org/en/News/Articles/2020/04/07/sp040920](http://www.imf.org/en/News/Articles/2020/04/07/sp040920).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/20/589689/0341-сон.
3. Блумберг халқаро ахборот агентлиги. Расмий сайт: <https://www.bloomberg.com/news/2020-04-15/australiya-may-surpass>.
4. Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер с англ. – М.: Дело, 1999. – С. 132 – 134.
5. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – С. 184.
6. Mendonca H., Tiberto B. P (2017). Effect of Credibility and Exchange Rate Pass-Through on Inflation: An Assessment for Developing Countries. *International Review of Economics and Finance*, 50, pp.196-244
7. Donayre, L. and Panovska, I.(2016). State-Dependent Exchange Rate Pass-Through. *Journal of International Money and Finance*, 64(C), pp.170-195.
8. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 30-31.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/20/589689/0341-сон.
10. Пул агрегатлари//[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
11. Марказий банкнинг асосий ставкаси ва валюта бозоридаги ўзгаришлар тўғрисидаги//[www.cbu.uz/16/04/2020](http://www.cbu.uz/16/04/2020).
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг Марказий банк асосий ставкаси ва валюта бозоридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маърузаси. 2020 йил 16 апрель. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши//<https://kun.uz>.
14. Ташқи иқтисодий фаолият. Нархлар//<https://stat.uz/uploads/doklad/2019>.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш

орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.

16. Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation // Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.

17. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.